

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАВЛЯНОВ АЙБЕК ПАЛВАНБАЕВИЧ

ПАХТА ТАЪМИНЛАГИЧИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА АСОСИЙ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, меxатроника ва
робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мавлянов Айбек Палванбаевич

Пахта таъминлагичи ишчи органлари конструкцияларини
такомиллаштириш ва асосий параметрларини ҳисоблаш методлари..... 3

Мавлянов Айбек Палванбаевич

Совершенствование конструкций рабочих органов питателей хлопка и
методы расчёта основных параметров..... 19

Mavlyanov Aybek Palvanbaevich

Perfection design of working parts of cotton feeders and methods for
calculating parameters..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАВЛЯНОВ АЙБЕК ПАЛВАНБАЕВИЧ

ПАХТА ТАЪМИНЛАГИЧИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА АСОСИЙ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.Phd/T75 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураев Анвар

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич

техника фанлари доктори

Усманов Хайрулла Сайдуллаевич

техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи
ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 й «9» феврал соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил «25» январ куни тарқатилди.
(2018 йил «25» январдаги 22-рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.С.Рафиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раис ўринбосари, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорида пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси ҳисобланади. Дунё мамлакатларида пахта толасининг импорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқаро консултатив қўмитанинг (ICAC) маълумотиغا кўра «2015-2016 йил мавсуми бўйича Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия, Индонезия, Покистон каби давлатлар пахта толасини импорт қилиш бўйича етакчилик қилган»¹. Пахта толасининг сифатига бўлган талабларни янада кучайиши пахта толасини жаҳон бозорида унинг рақобатбардошлигини ошириш, замонавий ҳамда технологик жиҳатдан ишончли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги технология ва қурилмаларни ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, жаҳон пахта тозалаш соҳасида юқори самарадорликка эга бўлган пахта тозалаш машиналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳон тажрибасида пахтани бир текисда (узлуксиз) узатиш, титиш ва тозалаш техникаси ҳамда технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан пахта титишни янада самарали технологияси ва таъминлаш қурилмаларини ишлаб чиқиш, пахтани тозалаш ва узлуксиз узатиш, ресурстежамкор таъминлагичларнинг самарали таъминлаш валиклари ва қозикчали барабанларини яратиш, ишлаш режимлари ва параметрларини оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда пахта маҳсулотининг истеъмол хусусиятларини яхшиланишига олиб келадиган пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларини ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга бўлган жиҳозларини ва бошқариш тизимларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарида бошланғич кўрсаткичларига боғлиқ равишда қайта ишланаётган хомашёдан белгиланган сифатли пахта маҳсулотини олиш, пахтани узлуксиз равишда бир текисда узатиш, титиш ва тозалаш техникаси ҳамда технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда пахтани технологик жараёнга узлуксиз узатиш, тозалашнинг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <https://www/statistica.com>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани қайта ишлаш технологик машиналарида пахтани титиш, тозалаш ва бир текисда узатишни, таъминлагич ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш, технологик параметрлари ва режимларини оптималлаштириш бўйича дунёда R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.V.Laird ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Мамлакатимизда пахтани технологик жараёнга бир текисда узатиш, титишни фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратишда Б.В.Логинов, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, П.Н.Тютин, А.Джураев, А.Е.Лугачев, Е.Ф.Будин, Ф.М.Бахтиярова, Д.М.Мухаммадиев, Ж.Ю.Мирахмедов, М.Т.Ходжиев, Г.А.Курбанова, И.Д.Мадумаров Х.С.Усманов ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Бугунги кунда пахта таъминлагич ишчи органларини бир қатор конструктив ечимлари мавжуд. Олиб борилган илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, таъминлаш режими, ишчи органлари ва параметрларини ҳисоблаш ҳамда асослаш чуқур кинематик ва динамик таҳлиллар асосида бажарилмаган. Таъминлаш ва титиш, пахтани узлуксиз узатиш ҳамда тозалаш бўйича мавжуд таъминлагич ишчи органлари конструкциялари етарли даражада такомиллаштирилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-6-047 «Пахтани қайта ишлаш машиналарининг ресурстежамкор таъминлагичини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш» (2009-2011), ИК-2011-4-2 «Пахта тозалаш агрегатини модернизация қилиш ва жорий этиш» (2011-2012), ЁА-3-3 «Пахтани қайта ишлаш технологик машиналарининг юқори самарали таъминлагич конструкциясини ишлаб чиқиш ва назарий-тажрибавий

тадқиқотлар асосида параметрларини асослаш» (2016-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахтани дастлабки ишлаш машиналари учун таъминлагич конструкциясини такомиллаштириш, ишлаш режимлари ва параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта таъминлагичи ишчи органларини самарали конструкциясини ишлаб чиқиш;

аналитик усулда таъминлагични пахта билан узлуксиз таъминлаш усулларини такомиллаштириш;

таъминлагич қозикчали барабанини бурчак тезлигини ўзгаришини пахта билан тасодифий қаршилигига боғлиқлигини аниқлаш;

таъминлаш валиклари куракчалари тўлқинсимон сиртини ишқаланиш коэффиценти билан боғлиқлигини аниқлаш;

пахта таъминлагичи юритгич механизмлари машина агрегатини динамик масалаларини ечиш асосида тавсия параметрларини ишлаб чиқиш;

пахта таъминлагич қозикчали барабани юкланиши ва ҳаракат боғланишлари экспериментал йўл билан аниқлаш;

тўлиқ факторли тажрибалар орқали таъминлагич параметрларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида пахтани қайта ишлаш технологик машиналарининг пахта таъминлагичи қозикчали барабани, таъминлаш валиклари, турли юзаси олинган.

Тадқиқот предмети пахта таъминлагич ишчи органлари параметрларини график боғланишлари, ишчи органлар ҳаракат режимлари ва параметрларини ҳисоблаш усулларидан ташкил топган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, тебраниш назарияси, машиналар динамикаси, пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва технологик машиналар механик ҳисоби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта таъминлагич қозикчали барабанини такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

узлуксиз таъминлаш хусусиятига эга пахта таъминлагич валиги куракчалари узук-узук бўлган янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

таъминлашнинг нотекислик коэффиценти аналитик ифодаси ва таъминлаш валигини пахта билан таъминлаш боғланиши ишлаб чиқилган;

таъминлагичнинг қозикчали барабани билан пахтани тасодифий қаршилигини ўрганиш асосида қозикчали барабан бурчак тезлиги дисперцияси ўзгаришини инерция моментига боғлиқлиги аниқланган;

таъминлаш валикларини тўлқинсимон юзали куракчалари орасидаги ишқаланиш коэффиценти аналитик ифодаси олинган, қозикчали барабан валини критик бурчак тезлигини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахтани қайта ишлаш машиналари таъминлагичининг самарали конструкциялари яратилган;

тавсия қилинган таъминлагични қуйидаги параметрлар қийматлари: иш унумдорлиги – 6 т/соат; таъминловчи валиклар тезликлари нисбати – 1,28; таъминлаш валиклари оралиқ масофаси – 80 мм бўлиши аниқланган;

тўлиқ факторли тажрибалар асосида таъминлашнинг оптимал параметрлари, таъминлагичнинг қозикчали барабани валидаги юкланишларини ўзгариши, асосий гармоник тебраниш қозикчали барабан айланиш частотасига мослиги аниқланган;

қозикчали барабан айланиш нотекислиги пахтани технологик қаршилиқ қийматига, қозикчали барабан ва таъминлаш валиклари инерция моментларига боғлиқ ҳолда аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тавсия қилинган пахта таъминлагични таъминлаш валиклари куракчалари узук-узук бўлгандаги нотекислик коэффициенти, тўлқинсимон куракчали таъминлаш валикларини пахта билан ишқаланиш коэффициентини ҳисоблаш формуласи, қозикчали барабан буровчи моменти ва бурчак тезлиги ўзгариш қонунияти, ишчи органлар ишлаш режими ва параметрларини боғланишларини қурилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таъминлаш валиклари узук-узук ва тўлқинсимон куракчаларга эга, қозикчалари кўп қиррали шаклдаги қозикчали барабан яратилганлиги ҳамда таъминлагич ишчи органларининг пахтани узлуксиз узатадиган ва етарлича тозалаш самарасини таъминлайдиган рационал параметрларини тавсия қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани қайта ишлаш машиналари таъминлагичи конструкциясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

толали материал тозалагичининг титиш барабанига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Толали материал тозалагичининг титиш барабани» №IAP 03023-2006 й.). Натижада толали материалга қозикчалар томонидан мақсадли йўналишда зарба бериш орқали тозалаш самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

тозалаш агрегатининг тозалаш секцияси ва таъминлагичи учун ишлаб чиқилган конструкцияларга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделларга патентлари («Пахта тозалаш

агрегатининг тозалаш секцияси» №FAP 00947-2013й, «Толали материалларга ишлов берувчи машиналар таъминлагичи» №FAP 01030-2015 й.) олинган. Натижада титиш жараёни самарадорлигини 15-20% га ошириш ва таъминлаш жараёни нотекислигини 65-70 % га камайтириш имконини берган;

пахтани қайта ишлаш машиналари таъминлагичи ва уни ишчи органлари «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги Наманган вилояти Мингбулоқ ва Фарғона вилояти Қува пахта тозалаш корхоналарида жорий қилинган («Ўзпахтасаноатэкспорт» Холдинг компаниясининг 2017 йил 18 августдаги №МА-02/1492-сон маълумотномаси). Натижада модернизация қилинган таъминлагични ишлаб чиқариш синови натижаларига биноан пахтани етарлича титиш ва узлуксиз узатиш туфайли тозалаш самарадорлиги ўртача 8-10% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 26 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 10 та халқаро, 16 та Республика конференцияларида ва 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1 та ихтирога ва 2 та фойдали моделга патенти олинган, чет элда 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахта таъминлагичи конструкцияларини такомиллаштириш бўйича изланишлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби пахта таъминлагичи конструкцияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлили ва пахта таъминлагичи ва унинг ишчи органларининг конструктив хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бу бобда янги тавсия қилинган пахта таъминлагични конструкциялари ва ишчи органларини схемаси ва ишлаш тартиби келтирилган, яъни таъминлагич қозикчали барабани қозиклари кўп қиррали, таъминлаш валиклари куракчалари узук-узук ҳамда тўлқинсимон юзага эга. 1-расмда тавсия қилинаётган пахта таъминлагич схемаси келтирилган.



1-расм. Толали материалларга ишлов берувчи машиналар таъминлагичи

Таъминлагичга толали материал юклаш дарчаси 5 орқали пластинкалар 4 га таъминлаш валиклари 3 орқали келиб тушади. Валиклар 3 айланиши натижасида материал ишчи барабан 1 га узатиб беради. Ишчи барабан 1 қозиклари толали материални ифлосликларини ажратиш учун тўрли юза 2 устидан судраб ўтади. Таъминлагич ишлаш жараёнида толали материал сочилувчан ва эластик бўлади. Шунинг учун таъминлагич ишлаш жараёнида қисқа узунликдаги пластиналар 4 толали материални таъминлаш валиклари 3 оралиғида кераклигича ушлаб туришни таъминлайди. Бунда толали материалнинг ҳар бир бўлаги валиклар 3 нинг пластина 4 таъсири остида бўлади (1-расм). Пластина 4 ни α бурчак остида жойлашиш ҳисобида толали материал билан пластина 4 ўзаро таъсир зонасида валик 3 сирти тўлиқ юзасининг ўзаро таъсирга олиб келади (валиклар 3 сиртидаги пластина 4 қаторлари орасидаги кенглик). Бу эса таъминлагич толали материал билан пластина 4 (пластина узунлигини ошириш мумкин) таъсир юзасини ошишига ва пахтани уюм-уюм ҳолатда (толали материал) тушиши, шунингдек, тикилишларни бартараф этишига олиб келади.

Пластина 4 нинг оғиш бурчаги α ни куйидаги тартибда аниқлаймиз. Валиклар 3 юзасидаги пластинка 4 ни қаторлари оралиқ масофаси куйидаги ифодадан топилади:


$$t = l \sin \alpha + \Delta$$

Бунда: l – пластина 4 узунлиги, α – оғиш бурчаги, Δ – пластина 4 ни қўшни қаторлар орасидаги энг қисқа масофа.

Δ – оралиқ толани ўртача узунлигини энг кичик қийматида қабул қилинади. Толанинг ўртача узунлиги ўрта толали навлар учун (32...37) мм, узун толали навларда эса (37...41) мм.

Толанинг ўртача узунлигини ҳисобга олган ҳолда ва $\Delta = h/2$ (қаторлар орасидаги кенгликнинг максимал эгалланиши) таъминлаш учун пластина 4 ни оғиш бурчаги $25-30^\circ$ оралиғида танлаш таклиф қилинди.

2-расмда кўп қиррали қозикчали барабан схемаси келтирилган.



а)-қозикчали барабан умумий кўриниши; б)- қозикча конструкцияси;
в)- қозикчаларни барабанга ўрнатилиши

2-расм. Толали материал тозалагичининг титиш барабани


Чигитли пахтанинг қозикчалар билан ўзаро таъсири, толали материалнинг ҳар хил бурчак остида йуналтирилган зарбаларни қабул қилишига олиб келади. Бунга бир чигитли пахта бўлагини жойлашишини ифлосликларнинг ажралиб чиқиши учун ҳосил қиладиган оптимал майдонда бўлишини таъминлайдиган кўп қиррали қозикчаларни ишлатиш ҳисобига эришилади. Қозикчалар қирраларининг ҳар хил бурчак остидаги ўзаро таъсири туфайли бир чигитли пахта бўлаги микдори ва йўналиши бўйича ҳар хил бўлган кучлар пайдо бўладики, бунинг натижасида ҳар хил ўлчамдаги ифлослик аралашмалари жадаллик билан ажралиб чиқади. Қирраларнинг бурилувчанлиги ва қозикча конструкцияси 2 ҳамда барабан 1 юзасига қозикчалар 2 нинг шахмат кўринишида, шу билан бирга қўшни қозикчалар 2 ни ўрнатиш ўқи бўйича $2\pi/n$ бурчак остида жойлаштирилган бўлиб, (бунда n -қозикчалардаги кўп қирралар ёки томонлар сони) кайд этилган жараён самарасини янада кучайтиради.

Диссертациянинг «Пахта таъминлагичи ишчи органлари параметрларини асослаш бўйича назарий изланишлар» деб номланган иккинчи бобида пахта таъминлагичи ишчи органлари параметрлари назарий жиҳатдан асослаб берилган. Пахта таъминлагич нотекислигини ўрганиш асосида таъминлаш нотекислигини аниқлаш формуласи таклиф этилди:

$$\delta = \frac{2 \cdot (R - r)}{2 \cdot \left(\frac{A}{2} - R \right) + (R - r)} \quad (1)$$

бунда: R -таъминлаш валиклари айлана радиуси; r -таъминловчи валиклар айланасининг куракчалар чуқурчаси бўйича радиуси; A -таъминлаш валиклари маркази оралиғидаги масофа.

3-расмда таъминлаш нотекислигининг таъминлаш валиклари оралиғини ўзгаришига боғланиш графиги келтирилган.



3-расм. Пахта таъминлагичи валигини таъминлаш нотекислиги графиги:

1-мавжуд таъминлагичда; 2-таклиф этилаётган таъминлагичда


График таҳлилидан кўриниб турибдики, мавжуд таъминлагичларда пахта билан таъминланиш нотекислиги жуда юқори ($R=70$ мм, $r=25$ мм, $A=190$ мм бўлганда) $\delta = 0.95$, таклиф қилинаётган таъминлагичларда эса 0.27.

Бунда шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, таъминлаш валиклари орасидаги масофанинг катталашиши ҳисобига пахта ҳажмининг ошиши туфайли нотекис таъминланиш камаяди. Бироқ, бу камайиш таклиф қилинаётган таъминлагичларда $\Delta=(50-130)$ мм оралиғида фақат 30% га ўзгаради. Бу шуни кўрсатадики, таъминлагичнинг таклиф қилинаётган конструкцияси пахтани қайта ишлаш машиналарида юқори иш унумида пахтани узлуксиз таъминлашга эришилади. Таклиф қилинаётган пахта таъминлагичи конструкциясида тўлқинсимон куракчалар 4 нинг ушлаб қолиш хусусияти ҳисобига пахта бирданига тушиши амалда камаяди. Қайд қилиш лозимки, ушлаб қолиш хусусияти асосан пахтанинг валиклар куракчалари билан ишқаланишидаги ҳосил бўладиган кучларга боғлиқ бўлади. 4-расмда тўлқинсимон сиртга эга куракчаларга таъсир этувчи кучлар схемаси келтирилган.

Пахтанинг пахта таъминлагичи куракчаларининг юзаси бўйича ишқаланиш коэффицентини аниқлаш учун қуйидаги формула таклиф қилинди:

$$\mu_n \geq \frac{\gamma A}{2q} \left[\frac{\mu_k + \mu_{ш}}{R} - \frac{\gamma}{4q} \right] \cdot \frac{(r + \Delta r)(\cos \varphi'_2 - \cos \varphi''_2)}{\sin \varphi'_2 - \sin \varphi''_2} \quad (2)$$

бу ерда: γ - пахтани солиштирма оғирлиги; q –уринма кучланиш, R –таъминлаш валиклари радиуси; r –таъминлаш валиклари эгрилик радиуси, φ – таъминлаш валикларини бурилиш бурчаги.




4-расм. Пахтани таъминлаш зонасидаги кучлар схемаси

Таъминлаш валиклари, қозикчали барабан ва электр юргизгичи ротори ҳаракати қонунларини аниқлаш учун Лагранжнинг 2-даражали тенгламасидан фойдаланиб, қуйидаги дифференциал тенгламалар системасини оламиз:

$$\begin{aligned} \frac{\omega_0 - \dot{\varphi}_1}{\omega_0} &= \frac{S_k}{2M_k} M_d + \frac{1}{2\omega_c M_k} \dot{M}_d \\ (J_d + J_1) \ddot{\varphi}_1 &= M_d - c_1(\varphi_1 - i_{12}\varphi_2) - b_1(\dot{\varphi}_1 - i_{12}\dot{\varphi}_2) \\ J_{2k} \ddot{\varphi}_2 &= i_{12}c_1(\varphi_1 - i_{12}\varphi_2) + i_{12}b_1(\dot{\varphi}_1 - i_{12}\dot{\varphi}_2) - c_2(\varphi_2 - i_{23}\varphi_3) - b_2(\dot{\varphi}_2 - i_{23}\dot{\varphi}_3) - M_2 \\ J_{3k} \ddot{\varphi}_3 &= i_{23}c_2(\varphi_2 - i_{23}\varphi_3) + i_{23}b_2(\dot{\varphi}_2 - i_{23}\dot{\varphi}_3) - M_{3k} \\ J_{4k} \ddot{\varphi}_4 &= U_{34}M_{34} - M_{4k} \end{aligned} \quad (3)$$

$\dot{\varphi}_1, \dot{\varphi}_2, \dot{\varphi}_3, \dot{\varphi}_4$ - мос равишда валларни бурчак тезликлари; M_g –электр юритгичнинг юритувчи моменти; M_2 –қозикчали барабан валидаги пахтани қаршилик моменти; M_3, M_4 –мос равишда таъминлаш валиклари валларидаги қаршилик моментлари; U_{34}, M_{34} –таъминловчи валиклар орасидаги узатиш нисбати ва ўзаро таъсир моменти; c_1, c_2 –система элементларини қайишқоқлик коэффициентлари; b_1, b_2 –қайишқоқ элементли системани диссипация коэффициентлари; i_{12} и i_{23} –тасмали узатмалар узатиш нисбатлари; M_k –электродвигатель статик ишлаш режимидаги максимал критик моменти; M_d –асинхрон двигатель ҳаракат моменти; S_k –критик сирпаниш; ω_c –тармоқ бурчак частотаси; ω_0 –идеал эркин ҳолатдаги бурчак тезлик.

5-расмда асинхрон электродвигатель ҳаракатлантирувчи моменти, қаршилик моменти ва тўрт массали система бўғинларидаги бурчак тезлигининг ўтиш жараёнидаги назарий ўзгариш графиги кўрсатилган.




5-расм. Пахта таъминлагичи бўлган машина агрегатининг технологик ишчи режим ҳолатидаги ҳаракатлантирувчи момент, электр юритгич ротори, қозикчали барабан ва таъминловчи валиклари тезликларини ўзгариши қонуниятлари

Ўзаро боғланиш графигидан кўриниб турибдики, қозикчали барабандаги технологик қаршилик моменти M_2 0 дан 60 Н·м гача ошиши билан ўртача бурчак тезлиги қиймати ва тебраниш кўлами тескари пропорционал ҳолатда 41,6 рад/с дан 40,6 рад/с гача тушади. Таъминлагичда иш унумдорлигини ҳаддан зиёд оширилиши асинхрон электродвигателга тескари зўриқишга олиб келади. Пахта технологик қаршилиги моментининг қиймати 20 Н·м гача камайиши электр юритгичлардан нотўғри фойдаланишга ва машина унумдорлиги паст бўлишига имконият яратади (6а-расм). Технологик қаршилик моменти M_2 ўзгаришларидан олинган ечимлар натижаларини қайта ишлаш натижасида қурилган графиклар ишчи орган айланиш нотекислиги - δ , двигатель вали буровчи моменти M_g ва ўтиш жараёни $t_{n,n}$ ни ошиши 6б-расмда кўрсатилган.


Графикларни таҳлил қилиш орқали машина агрегати барқарор режимда моментни ўртача қиймати оз миқдорда ошади деб хулоса қилиш мумкин. Тасмали узатма бикрлиги ошиши билан берилган технологик қаршилиқни камайишига ва қайишқоқ бўғин деформациясини пасайишига олиб келади, узатувчи момент ва валга бўлган таъсир ўзгаришсиз қолади, ҳаракатлантирувчи момент ΔM_g тебраниш қамрови эса, чизикли бўлмаган ҳолатда 4 Н·м дан 60 Н·м гача ошади. 900 Н·м/рад дан 1200 Н·м/рад гача оралиқда ҳаракатлантирувчи момент тебраниш кўлами жуда оз миқдорда (2...3) Н·м га ўзгаради. Машина агрегатининг берилган ўлчамларида пахтани тасодифий технологик қаршилигида тасмали узатма бикрлик коэффициентининг энг мақбул қиймати 600...900 Н·м/рад ни ташкил қилади.

Тасмали узатманинг диссипация коэффициентини ошиши буровчи момент қамровини жуда оз миқдорда 35 Н·м дан 45 Н·м гача ўсишига ва қозикчали барабан бурчак тезлигини 41,6 рад/с дан 41,4 рад/с гача пасайиши таҳлиллардан маълум бўлди. Бунда ишчи вал буровчи моменти қамрови ΔM_g чизиксиз қонуниятда $\omega=2...24$ Н·м·с/рад оралиқда ўзгаради. Динамик

нуқтаи назардан тасмали узатма диссипация коэффиценти $M_{m.c}=10$ Н·м юкланишда $v_1=v_2=2\ldots 10$ Н·м·с/рад бўлиши энг мақбул кўрсаткични ташкил этди.




ба-расм. Таъминлагич ишчи органлари бурчак тезликларини пахтадан келаятган қаршилик ўзгаришига боғлиқлик графиклари



бб-расм. Таъминлагич қозикчали барабани валидаги момент, ўтиш жараёни вақти ва бурчак тезлигини нотекислик коэффиценти пахта қаршилигига боғлиқлик графиклари

Диссертациянинг «Таклиф қилинаётган пахта таъминлагич конструкциясини тажрибавий изланишлари» деб номланган учинчи бобида қозикчали барабан бурчак тезлиги, айланиш частотаси, қозикчали барабан вали буровчи моментини аниқлаш бўйича тажрибавий изланишлар натижалари келтирилган. Бунда электромагнит датчиклар ҳамда тензометрлаш усулидан фойдаланилди. 7-расмда осциллограммаларнинг намуналари кўрсатилган.



7-расм. Тавсия қилинган пахта таъминлагичи қозикчали барабан ҳаракатини ифодаловчи осциллограммлар намуналари, (а) – айланиш частотаси 430 мин^{-1} , (б) – айланиш частотаси 410 мин^{-1} .

Қозикчали барабан валини буровчи моменти эгри чизикларини ўрганиш асосида гармоник таҳлил усулидан фойдаланиб буровчи момент ўзгаришини ифодаловчи қуйидаги аналитик ифодага эга бўламиз:

$$M_{кр} \approx y \approx 2,60 - 7,57 \cdot \sin(x + 84^{\circ}30') + 1,52 \cdot \sin(2x + 81^{\circ}17') + 0,24 \cdot \sin(3x + 121^{\circ}36') + 0,48 \cdot \sin(4x + 80^{\circ}20') + 0,88 \cdot \sin(5x + 136^{\circ}30') + 0,16 \cdot \cos 6x \quad (4)$$

Тўлиқ факторли тажрибалар ўтказилди. 1-жадвалда кирувчи факторлар қийматлари келтирилган.

1-жадвал

Тажрибанинг режалаштириш шарти

№	Факторлар номи	Ўлчов бирлиги	Белгиланиши	Факторлар қийматлари			Ўзгариш оралиғи
				-1	0	+1	
1	Таъминлаш валиклари тезликлари нисбати	-	X_1	1,08	1,18	1,28	0,1
2	Иш унумдорлиги	т/соат	X_2	6	6,5	7	0,5
3	Таъминлаш валиклари оралиғи	мм	X_3	80	100	120	20

Қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$y = 76,94 + 1,04x_1 - 2,11x_2 - 2,54x_3 + 0,9x_1x_2 - 1,62x_1x_3 + 0,4x_2x_3 - 0,59x_1x_2x_3 \quad (5)$$

Факторларнинг тавсия қийматлари:

иш унумдорлиги - 6,0 т/соат;

таъминлаш валиклари тезликлари нисбати – 1,28;

таъминлаш валиклари оралиқ масофаси – 80,0 мм.

Юқоридаги қийматларда тавсия қилинган таъминлагични қўллаш орқали тозалаш самарадорлиги 83 % дан юқори бўлишига эришилди.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш синови натижалари ва УХК агрегатида ишлаб чиқилган пахта таъминлагични қўллашдан олинган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган пахта таъминлагични пахта тозалаш корхонаси шароитида олинган синов натижалари таҳлили келтирилган. Натижалар 2- жадвалда келтирилган.

Модернизация қилинган пахта таъминлагични ишлаб чиқариш синови қийосий натижаларига кўра пахтани етарлича титкиланиш ва узлуксиз узатилишини таъминлаш орқали тозалаш самарадорлиги ўртача 8-10% га ошиши, чигитнинг механик шикастланганлиги 1,19% га камайиши ва эркин тола миқдори ўртача 0,1 % камайиши кузатилди. Тавсия қилинаётган тўлқинсимон сиртга эга таъминлаш валиклари бўлган ва кўп қиррали қозикчали барабанли пахта таъминлагич конструкциясини қўллаш орқали йиллик иқтисодий самарадорлик бир пахта тозалаш корхонаси учун 78616,91 минг сўмни ташкил қилди.

Пахта тозалаш корхонаси шароитида модернизация қилинган таъминлагични қўллаш синови натажалари

Кўрсаткичлар, %	УХК агрегатида тавсия қилинган пахта таъминлагичда	Мавжуд УХК агрегатидаги таъминлагичда
Тозалашдан олдинги пахтанинг намлиги	9,2	9,2
ифлослиги	7,5	7,5
Тозалашдан кейинги пахтанинг ифлослиги	1,05	1,77
чигитни механик шикастланганлиги	2,09	3,28
тозалаш самарадорлиги	86,0	76,4
эркин тола	0,11	0,209

ХУЛОСА

«Пахта таъминлагичи ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш ва асосий параметрларини ҳисоблаш методлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Пахта таъминлагичини конструктив хусусиятларини таҳлили асосида таъминлаш валиклари куракчалари узук-узук ва қия бўлган таъминлагичнинг конструктив схемаси таклиф этилди, қозикчали барабаннинг қозикчалари кўп киррали бўлган янги конструкциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги белгиланди.

2. Валиклари узук-узук куракчаларга эга бўлган пахта таъминлагичини пахта билан таъминлаш нотекислиги коэффиценти аниқланди. Таъминлагич валигини пахта билан таъминланиш нотекислигини боғланишини олишга имкон берди.

3. Таъминлагич қозикчали барабан бурчак тезлигини пахта билан тасодифий қаршилиги ўрганилди, натижада таъминлагич қозикчали барабанини бурчак тезлиги дисперциясини ўзгаришини инерция моментига боғлиқлигини аниқлашга имкон берди.

4. Таъминлагич машина агрегати динамик масаласини ечиш асосида қуйидагилар аниқланди: қозикчали барабан айланиш нотекислиги пахтани технологик қаршилиқ қийматига, қозикчали барабан ва таъминлаш валиклари инерция моментларига, тасмали узатма бикрлиги ва диссипациясига боғлиқ равишда аниқланди; юритгич ҳаракат қонунини

пахтани технологик қаршилигини ўзгаришига ва ишчи органлар инерция моментларига боғлиқлиги ишлаб чиқилди.

5. Акселетрик ва магнитоэлектрик датчикларни қўллаш орқали тавсия қилинаётган кўп қиррали қозикчали барабан валидаги буровчи момент, бурчак тезлик ва бурчак тезланишни ўзгариш қонунияти топилди. Гармоник таҳлил усули билан таъминлагичнинг қозикчали барабани валидаги юкланишларни ўзгариш қонуни аниқланди, тебранишни асосий гармоник тебраниши қозикчали барабан айланиш частотасига мослиги аниқланди.

6. Тўлиқ факторли эксперимент тадқиқотлари асосида қуйидаги параметрлар тавсия қилинди: иш унумдорлиги – 6,0 т/с; таъминловчи валиклар тезликлари нисбати -1,28; таъминловчи валиклар оралик масофаси – 80,0 мм, тавсия қилинган таъминлагични қўллаш орқали тозалаш самарадорлиги 83 % дан юқори бўлишига имкон берди.

7. Модернизация қилинган пахта таъминлагич ишлаб чиқариш синови киёсий натижаларига кўра пахтани етарлича титиш ва узлуксиз узатилишини таъминлаш орқали тозалаш самарадорлиги ўртача 8-10% га ошиш имконини берди.

8. Тавсия қилинаётган тўлқинсимон сиртга эга таъминлаш валиклари бўлган ва кўп қиррали қозикчали барабанли пахта таъминлагич конструкциясини қўллаш орқали йиллик иқтисодий самарадорлик бир пахта тозалаш корхонаси учун 78616,91 минг сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

МАВЛЯНОВ АЙБЕК ПАЛВАНБАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИЙ РАБОЧИХ ОРГАНОВ
ПИТАТЕЛЕЙ ХЛОПКА И МЕТОДЫ РАСЧЕТА ОСНОВНЫХ
ПАРАМЕТРОВ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.Phd/T75.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен в веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Джураев Анвар

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич

доктор технических наук

Усманов Хайрулла Сайдуллаевич

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «9» февраля 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (+99871)253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №22). (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон – 5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «25» января 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 22 от «25» января 2018 года).

К.Жуманиязов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.С.Рафиков

Заместитель председателя научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На мировом рынке хлопковое волокно является одним из основных продуктов текстильной промышленности. В странах мира из года в год увеличивается импорт хлопкового волокна. Согласно данных международного консультативного комитета (ICAC) за 2015-2016 годы ведущими странами по импорту хлопка являются такие страны, как Бангладеш, Вьетнам, Китай, Индонезия и Пакистан¹. Повышение требований к качеству волокна на мировом рынке привело к повышению конкурентоспособности и улучшению качества выпускаемой продукции. Эти требования ставят перед хлопкоочистительной промышленностью задачу модернизации производства, а также переоснащение отрасли новой техникой и технологией. Особенно уделяется большое внимание совершенствованию хлопкоочистительных машин, имеющих высокую эффективность и созданию ресурсосберегающих технологий в мировой хлопкоочистительной отрасли.

В мировой практике важное место занимают исследования по совершенствованию техники и технологии разрыхления, очистки и равномерной подачи хлопка-сырца по основным технологическим оборудованностям. Для выполнения вышеуказанной задачи разработка более эффективных технологий и устройств рыхления, очистки и равномерной подачи хлопка, создание ресурсосберегающих питающих валков, колковых барабанов питателей, оптимизации параметров и режимов их работы являются актуальными.

В Республике Узбекистан проведены мероприятия по повышению потребительских качеств продукции, созданию в процессах первичной переработки хлопка-сырца и системы управления высокоэффективного производства. В этом направлении, в частности, достигнуты ряд существенных результатов, получена продукция заданного качества по начальным качественным показателям хлопка-сырца, усовершенствована технология рыхления и подачи хлопка по технологическим машинам поточной линии переработки хлопка-сырца. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики,сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий...»². При выполнении данного требования важным является создание технологий непрерывной подачи, эффективной очистки хлопка-сырца и внедрение их в производство.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по

¹Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <https://www.statistica.com>.

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2692 от 22 декабря 2016 года «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №5 от 8 января 2014 года «О дополнительных мерах по сокращению себестоимости продукции в промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

Степень изученности проблемы. Проблемы разрыхления, очистки и равномерной подачи хлопка в технологические машины переработки хлопко-сырца, совершенствование конструкций рабочих органов питателей хлопка, оптимизация технологических параметров и режимов работы питателей хлопка рассмотрены крупными мировыми учеными, как R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.V.Laird и др.

В нашей стране созданием теоретико-методологических основ по совершенствованию фундаментальных и прикладных вопросов разрыхления, очистки и равномерной подачи хлопка в питатели к технологическим машинам занимались ученые Б.В.Логинов, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, П.Н.Тютин, А.Джураев, А.Е.Лугачев, Е.Ф.Будин, Ф.М.Бахтиярова, Д.М.Мухаммадиев, Ж.Ю.Мирахмедов, М.Т.Ходжиев, Г.А.Курбанова, И.Д.Мадумаров, Х.С.Усманов и др.

В настоящее время имеется ряд оригинальных конструктивных решений по рабочим органам питателей хлопка. Но в то же время анализ работ по совершенствованию техники и технологии подачи хлопка в машины первичной обработки хлопка показал, что не решены вопросы расчетов по обоснованию параметров и режимов работы питателей хлопка на основе глубоких кинематических и динамических исследований рабочих органов, которые обеспечивают необходимую технологию рыхления, очистки и равномерной подачи хлопка.

Связь темы диссертации с научно – исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ ТИТЛП и отражено в следующих проектах: ИТД-6-047 «Разработка и обоснование параметров ресурсосберегающего питателя для машин первичной обработки хлопка» (2009-2011), ИК-2011-4-2 «Модернизация и внедрение хлопкоочистительного агрегата» (2011-2012), ЁА-3-3 «Разработка и обоснование параметров высокоэффективной конструкции питателя для технологических машин первичной переработки хлопка на основе теоретико-экспериментальных исследований» (2016-2017).

Цель исследования. Совершенствование конструкций рабочих органов и создание методов расчета параметров и режимов движения питателей хлопка-сырца для машин первичной обработки хлопка.

Задачи исследования:

разработка эффективных конструкций рабочих органов питателей хлопка;

аналитическим методом совершенствовать непрерывное обеспечение питания хлопка в питателях;

определить зависимости влияния случайного сопротивления от хлопка-сырца на изменение угловой скорости колкового барабана питателя;

определить зависимости влияния волнистой поверхности лопастей питающих валков на коэффициент трения;

на основе решения задачи динамики машинного агрегата с механизмами привода питателя хлопка обосновать необходимые параметры;

определить характер движения и нагруженность колкового барабана питателя хлопка экспериментальным путем;

обосновать параметры питателя полнофакторными экспериментами.

